

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-1

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Tursunova M.E. Rang frazeologizmlarining ispan, o'zbek va ingliz tilida berilishi	222
Qahramonova S. Ulug'bek Hamdamning "Muvozanat" asarida undalma	224
Umarqulova M.B. Linguaculturology as a new linguistic discipline of modern linguistics	225
Ustoev A.Q. Development of didactic support for the preparation of future physical education for innovative activities	227
Uzokova Sh.S. Linguoculturological study of motion modifiers in fiction discourse	228
Uzokova Sh.S., Igamberdieva N.S. Comparative - translation study of binoms of English and Uzbek languages	230
Xamrayeva N.X. Actual issues of sociolinguistics	232
Yuldasheva D.K., Akbarova R.A., Djamoliddinova Sh.A. Use of «warming ups» technology in teaching English as a foreign language	234
Yusufova L.G. Theoretical basis of teaching reading at the lessons of the English language	236
Ғуломов Ҳ.А. "Мажмаъ ул-масоил" асарининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари	238
Катаева Ш., Бабаджанов Х.Б. Лексико-грамматическая система имен существительных в русском и узбекском языках	242
Кобилова А.Б. Эвфемистик перифразалар хусусида	244
Қосимова Ф.Х. Дори воситалари номларининг лисоний жиҳатлари	248
Мирзаева Д.И. Паремия концептнинг вербал воситаси сифатида	250
Мўминова А.А. Реклама матнларида ундашни ифодаловчи тил бирликлари миллий маданиятни ўзида акс эттирувчи восита сифатида	252
Муқимова Д.З. Форс-тожик адабиётида ғазалнавислик тарихига назар	255
Муҳаммедова Х.Э. Викторян инглиз адабиётида аёллар наsrининг ифодаланиши	259
Норбоев Ў.С. "Асил ва карам" достони турк версиясининг мотивлар типологияси	261
Норова Г. Ўзбек тили Зарафшон воҳаси шеваларида табу ва эвфемизмлар	264
Очилова Н. Ўзбек ва инглиз адабиётида "от" образи талқини	266
Сабинова Н.К. Социопрагматикада дискурсни яқунловчи тест методи	269
Сапаева Ф.Н., Адамбаева Ф.Р., Эркинова Л.К. Чет тилини ўқитишда мультимедия технологияларидан фойдаланишнинг афзалликлари	274
Усмонова С.С. С.Ричардсон ва А.Чўлпон ижодида аёл образининг психологик-типологик ўхшашликлари	276
Хайтова С.П. Терминология почвоведения	278
Юлдашев Ф. Ўзбек тилида "Эътикод" умумий семали атов бирликларининг синонимик муносабати	280
Ягъяева Э.Б. Специфика обучения туризму посредством обучения иностранному языку	282

бoр*//қипч. бойыда бопты*, йуқиoғър*каби. (Карм., Қизилт., Навб., Нурота, Хат.Пахт.). Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Тадқиқ этилаётган шеваларнинг ўзбек тили ва бошқа ўзбек шевалари билан муносабатини ўрганиш орқали мазкур шеваларда ўзбек адабий тилида қўлланилмайдиган, бошқа шеваларда учрамайдиган баъзи ўзига хос сўзлар ҳам учраши аниқланди. Бундай сўзлар келажакда ўзбек адабий тили лексикасини бойитиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ўйлаймизки, тилимизда мавжуд бўлган эвфемик материаллар эвфемик услубшуносликни юзага келиши учун манба бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов Э. Ўзбек тили лексикасининг ижтимоий-тарихий асослари // Ўзбек тили лексикологияси. - Т.: Фан, 1981. - 49 б.
2. Босчаева Н.Ц. Эвфемистичность в диалогической речи. - Л. ЛГУ, 1989. - №4-С.79-81.
3. Лауде Циртаутас И. О табу и эвфемизмах в казахском, киргизском, и узбекском языке. Тюркология. - Баку, 1976. - № 4. - 79.
4. Маҳмудов А. Ўзбек тили лугат бойлиги ривожда фаоллашган жараёнлар // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 2015.5-сон, 3-6.
5. Мирзаев М. Бухоро группа шевалари. Фил. фан. д-ри. дисс. - Тошкент, 1965. - 103б;

УЎК 808.5

ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ АДАБИЁТИДА “ОТ” ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

Н. Очилова, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада инглиз ва ўзбек адабиётида яратилган “от” образи ҳақида фикр юритилган. Бунда, аввало, от образининг халқ оғзаки ижодидаги ўрни, ёзма адабиётга кириб келиши, генезиси масаласига муносабат билдирилган. Шу асосда Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” ва Эрнст Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрга” асарлари қиёсий типологик аспектда таҳлил этилган.

Калит сўзлар: образ, “от” образи, тимсол, қаҳрамон, қисса, тотемизм, тасвир, ўзбек адабиёти, инглиз адабиёти, достон.

Аннотация. В статье обсуждается об образе лошади. В частности, даны краткие сведения о значении образа лошади в литературе, её особенностях, определяющих происхождение, род и пол. Приведены несколько примеров лошади из мифов, пословиц и традиций. Анализированы различия и сходства в художественном описании образа лошади в узбекской и английской литературе.

Ключевые слова: образ, образ «лошад», воплощение, персонаж, повесть, тотемизм, описание, узбекская литература, английская литература, сказание.

Abstract. The article dealt with the image of the horse. In particular, a brief account of the importance of horse in the literature, its characteristic features and the species separated according to breed and sex. There are several legends, proverbs about horse. Particularly, analysed the similarities and differences between the artistic depiction of the horse image in Uzbek and English literature.

Key words: image, image of “horse”, symbol, character, narrative story, totemism, picture, Uzbek literature, English literature, epic poem.

Адабиёт ва санъатнинг яшаш шакли образ (5,63)да намоён бўлади. Жаҳон адабиётида такомил тошган шундай образлар қаторида от тимсоли алоҳида ўри тутди. Маълумки, бу образ генезиси, аввало, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб туташиди. Хусусан, қадимги мифологик қарашлар тизимида отга тотем сифатида қаралгани маълум. Чунки қадимги аجدодларимиз от, ит, хўкиз, бўри, илон қабиларга этикод қилишган. Шу билан бирга бу этикодий қарашлар эртақ, достон ва мақолларга ҳам таъсир ўтказган ва от бу каби жанрлардаги асарларда инсоннинг энг яқин дўсти, ҳам ташки, ҳам ички гўзалликка эга образ, эрк ва куч-удрат тимсоли сифатида талқин этила бошланган. Хусусан, фольклордаги машҳур Гиркўк (“Тўрўғли”), Бойчибор, Кўкдўнан (“Алпомиш”), Жийронқуш (“Равшан”) каби миллат тимсолига айланган эпик образ отлар бу анъанавий образнинг илдизлари мустаҳкам эканлигини кўрсатиб туради.

Маълумки, от бошқа жонотлар орасида ташки гўзаллиги, ўқтамлиги, зийрак ва хушёрлиги, жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Қолаверса, қадимда ундан улов воситаси сифатида кенг фойдаланилган. Шу билан бирга, қадимда отнинг ёлидан турли касалликларни даволашда фойдаланилганлиги маълум.

Замонавий ўзбек ва инглиз адабиётида ҳам отлар асосий образ бўлган асарларнинг ўзига хос бадиний тизими яратилган. Булар қаторида Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссаси алоҳида аҳамият касб этади. Адибнинг эътирофича, бу асарини ёзиш учун қирқ кун чавандозлар билан яшаган экан. Асарда тўпори, чапани ўзбек чавандози образи Зиёдулла кал тимсолида намоён бўлган. Зиёдулла кал отларнинг “тили”ни, характерини тушунади: **“Биродарлар, от азанча хосиятли бўлса-да,**

азанча фаҳм-фаросатли бўлса-да, азанча хушсуврат бўлса-да, барибир, от, ўз оти билан от! Тўрт оёқли жонивор! Думли ҳайвон!" [1,15]. *Эътибор берилса, бу лавҳадан отнинг ташқи кўриниши, характериға кўра хосиятли, фаҳм фаросатли эканлигини англаш мумкин. Бироқ унинг тўрт оёқли жонивор ҳайвон эканлигини ҳам изардан қочирмайди.*

Асарда ҳикоя қилинишича, Зиёдулла кал етти ёшли бўз отни сотиб олади, бор-будини бериб бўлса-да, унга эға бўлади. эътибор беринг, техника асрида у нега машина эмас от сотиб олди. Бу ҳақда у ёзади: *"Биродарлар, машина деганлари темир! Жони йўқ! Жони йўқ темир одамға эл бўлмайди! Темирнинг юраги йўқ-да! От одамға эл бўлади. Боиси, отнинг жони бор, юраги бор-да! [1,14] Ҳақиқатан, бунда отнинг инсонға дўстлиги, юраги борлиги, шу фазилатлари билан темир машинажан афзаллиги таъкидланяпти.*

Зиёдулла кал отни икки йил тарбиялайди, кейинчалик унга тарлон деб ном беради. Сабаби, отлар тўққиз ёшға кирганда, бўз эмас, тарлон эканлиги аниқ бўлиб қолади. Демак, Зиёдулла кал отларнинг ҳилини ҳам яхши ажратади. Зоология фанининг маълумотларига кўра, отлар ўсиш жараёнида ёши ва жинсига қараб ўзгариб боради. Масалан, тойлар туғилганида кулун дейилади, икки ёшлиси той, уч ёшлиси гўнон ва тўрт ёшлиси дўнон деб юритилади. Етти ёшға етганда бўз ва тўққиз ёшида тарлон деб аталади. [1,17] *"Биродарлар, от танимасанг, тарлон ол! Бизнинг бўз тўққизға тўлди, тўққизда бўлди. ... Бир қувончим ўн қувонч бўлди! Биродарлар, бўз отим – тарлон бўлди! Мен тарлон отли бўлдим! Тарлонни қора ишларға солмадим. Адирларда ўйноқлатиб миндим!" [1,17].* Маълумки, ота-боболаримиз отларни жуда авайлашган ва уларни худди ўз оила аъзоларидай кўришган. Асар қаҳрамонининг ҳам отға бўлган меҳри асарда кўриниб туриши шундан. Отға бундай муносабат ажодлардан меросдир. Аслини олганда, фольклор ва ёзма адабиётда яратилган от образлари эзгу фазилатларға бойлиги билан алоҳида бадини тизини ташкил этади. Бинобарин, "Алпомиш" дostonида Ҳакимбекнинг оти Бойчиборға нисбатан гамхўрлиги, меҳри сезилиб туради. У ёшлигидан оти билан бирға улгайиб, бирға юради, худди ота-инилардек бир-бириға таянади, суянади. Кўп ҳолларда Алпомиш учкур оти, айтиш мумкинки, самовий (саман) оти Бойчибор туфайли жангларда ва мусобақаларда ғолиб келади. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, от учун жанглар олиб борилган. Масалан, Хитой императорининг Фарғона отлари учун қилган жангини эслайлик. Тарихчиларнинг таъкидлашича, Хитой отлари кичик ва тез чопа олмас экан. Фарғона отлари Тангри отларининг авлодидан бўлган экан. Фарғона давлатида баланд тоғ бўлган, унда тутиб бўлмайдиган от яшаган. Рангдор бир отни шу тоғ этагига бойлаб қўйиб, ундан насл олишган. Туғилганида, баданидан консимон тер чиқиб турган. Шу боис уни тангри отининг боласи деб аташган. Хитой императори ушбу отлар ҳақида хабар топиб, Фарғона ҳукмдоридан бир неча килолик тиллалар эвазига ушбу саман отларини беришини сўраган. Бироқ Фарғона ҳукмдори Мугуа рози бўлмайди. Хитой элчиси жаҳл устида ҳукмдорни ҳақоратлайди, Мугуа эса уни ўлдиртириб юборади. Хитой императори воқеадан хабар топгач, саркардасига Фарғонаға ҳужум қилишни буюриб, Фарғона отларини келтиришни буюради. Бироқ саркарда бу вазифани удралай олмайди. Хитой императори Фарғонаға иккинчи марта юриш қилади. Афсуски, иккинчи юришда Фарғона ҳукмдори хоинлар қўлида ўлим топади ва самовий отларининг бир нечаси саралаб олиниб, Хитойға олиб кетилади [4]. Фарғонанинг самовий отлари ҳақида кўплаб асарлар, шеърлар ёзилган. Тарихчиларнинг ёзишича, қадимги даврда Ўрта Осиёнинг "осмон (саман) отлари тенгсизлиги билан ажралиб турган. Бу отлар озирги Ахалтекин, Қорабайир, Лақай зотли отларнинг ажодидир [2]. Масалан, Араби от, Ахалтака оти, Ёвмут оти, Англия асил от зотлари, асосан, эгарлаб, салт миниладиган отлар исобланади. Дон оти, Гутсул оти, Лақай оти, Қорабайир оти кабилар салт миниладиган, араваға қўшиладиган отлардир. Оғир юкларни тортадиган юкчи отларға Арденна от зоти, Брабант от зоти, Владимир от зоти кабилар қиради. "От кишнаган оқшом" асаридаги от саман туриға мансуб. Отнинг инсонға дўстлиги, фазилатли эканлигини асослаш мақсадида асарда халқ мақоллари келтирилган. Бу эса отларнинг инсон ҳаётининг муайян бўлагига айланганлигини асослаб туради:

Оти борнинг – қаноти бор [1,14].

От – йиғитнинг йўлдоши [1,14].

Отға минсанг – бошингни ўйла, ерга тумсанг – отингни ўйла [1,27].

Юқоридаги мақоллардан Зиёдулла чавандоз от сотиб олмоқчи бўлгандаги ҳолат тасвири беришда фойдаланилган. Чунки Зиёдулланинг онаси от сотиб олишидан норози эди: "Зиёдулла чавандоз: *"Онамиз норози бўлди. Бети буришиб-буришиб оғриди. Лабини буриб мингиллади:*

– Отим нимам ... отдан машина яхши..." – деди.

– Машинам нимам? Оти борнинг аноти бор, – дедим.

– Отға емиш қани ...

– Емиш? Худо ҳар жониворни ўз ризқи-рўзи билан яратади. От битди – қанот битди. Емиш топилади" [1,14]. Бу норозиликларға қарамай, Зиёдулла кал от сотиб олади. Чунки унинг аъмолида: "Машинаға гапириб бўлмайди, дардиҳол қилиб бўлмайди, инсон ҳисларини тушунмайди, отлар эса

инсоният хисларини забонсиз, кўзларидан англайди. Уларга ҳеч нарсани тушунтиришни ҳам кераги йўқ. Отлар инсонни хис қилади”.

Ҳақиқатан, ҳаётда ҳар хил вазиятлар бўлади, инсон инсонни хафа қилади, дилини оғритади, ҳатто ёмонлик қилади, лекин жониворлар, айниқса, отлар ҳеч қачон хиёнат қилмайди, инсонни оғир вазиятда ташлаб кетмайди, аксинча доим сўнгги нафасигача қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли отлар инсоннинг энг яқин дўсти сифатида кўрилади. Қолаверса, отда меҳр бор. Бўрию арслонлар қанчалик ваҳший, ёввойи бўлмасин, бир-бирини емайди. “От кишнаган оқшом” қиссаси маъзига мана шу эзгу гоёлар сингдирилган. Асарнинг миллий руҳини кучайтириш, отларнинг ҳаётимиздаги ўрни лчиб бериш мақсадида адиб дostonлардан, кўшиклардан келтиради, ўрни келганда ўзи ҳам от ҳақида “деҳқонча” шеър битади:

**“Отларди боқсанг, қашиб боқ,
Олисдан сувини ташиб боқ,
Сира узмагин емини,
Емини емига қўшиб боқ” [1,21]**

Инглиз адабиётида ҳам отлар ҳақида ёзилган асарлар ўзига хос бадий тизимни ташкил этади. Ғарбда отга муносабат айрича. Христианларнинг “Инжил” китобида яққашоҳ номи отлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Яққашоҳлар афсонавий ва сеҳрли жониворлар сифатида қаралади. Тарихий шахс Албион (Англия)га асос солган Кирол Артурнинг отлари ҳам қайсидир маънода унинг галабаларига улкан хисса кўшган. Бирок кирол Артур отлари ҳақида ёзилган ҳикоя ёки дostonлар қайд этилмаган.

XX аср инглиз адабиётининг ёркин намояндаларидан бири Ернест Сетон Томпсоннинг “Ёввойи йўрга” асари бу жиҳатдан эътиборли. Мазкур асар таниқли ўзбек ёзувчиси Тоғай Мурод таржимасида ўзбек китобхонага етказилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, мазкур муваффақиятли таржима адибнинг юқорида таҳлил этганимиз “От кишнаган оқшом” асари яратилишига ижодий туртки берган.

Қиссадаги от образи ўз эрки учун курашган, ўжар, енгилмас қаҳрамон сифатида алоҳида мазмун касб этади. “От кишнаган оқшом” асарида отнинг тақдири учун чавандоз курашади, унинг учун ҳаётини хавфга қўяди. Аммо “Ёввойи йўрга” асарида от ўзининг тақдири, эрки, озодлиги учун курашади. Муаллиф от ҳақида шундай ёзади: **“Ғарбда ёввойи отларга ҳеч ким эътибор бермайди. Аввало, уни ушлаш осон эмас, борди-ю, уни ушлаган тақдирда ҳам ёввойи от умрининг охиригача сарқаш, бесамар, ёввойилигича қолади” [3,50].** Инсоннинг феъл-атвори унинг яшаб турган маконидан, шароитидан маълум бўлади. Масалан, Маугли, Тарзан ҳақида кўпчилигимиз биламиз. Иккала қаҳрамон ҳам ҳайвонлар орасида, ўрмонда яшагани учун улардек фикрлайди ва улардек ҳаёт кечиради. Улар инсон бўла туриб, шу таҳлит яшашга мажбур бўлишган. Уларда ҳам Ватан туйғуси бор. Ғарб отлари ўзининг ёввойилиги ва эркинликка интилиши, курашувчанлиги билан ажралиб туради: **“Аммо-лекин қора от эшакдай ўжар, итдай қаҳрли келади. Қора отда тирноқ бўлса, арслонниям гумдон қилади” [3,51].** **Отларнинг характерини,** феъл-атворини рангидан билса бўлар экан. Масалан, Саман отлар уларнинг териси оқ рангда бўлади, ўжар отларнинг аксари, айниқса, Ғарбдаги қора отлар асов (бўйсунмас) бўлади, жигаррангдаги отлар эса кўпинча бўйсунувчан бўлади. “Ёввойи йўрга”даги от ҳам қора рангда ва уни ҳеч бир чавандоз бўйсундира олмайди.

“Қон-ора ёлли, кўккўз, улкан қора от бутун ўлка бўйлаб зўравонларча кун кечирди, турли-туман жойлардан байтал қайдаб келиб, ўз сафини кучайтирди, галасини кам деганда йигирма бошга етказди” [3,52]. Асар сюжетигадики воқеалардан маълумки, қора мустанг оти жуда кучли бўлади. Унга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Шунинг учун ҳам байталларни тиш-тирноғи билан ҳимоя қилиб, уларга кўрикчилик қилади. Галаси эркинликда юришини, ўглашини доим таъминлаб туради. Ҳеч бир чавандоз уни эгарлай олмайди. Эгарламоқчи бўлганлари таслим бўлиб, унга эътибор ҳам бермай қўядилар. Лекин сўнгги лаҳзаларда отни Том исмли айёр чавандоз чол қора, ёввойи, асов, ҳеч кимга тутқич бермас мустанг отини қўлга олади ва ёввойи йўргага ўз тамғасини босади. **“Ғарб одати бўйича ёввойи йўрганинг баданига ким биринчи бўлиб ўз тамғасини босса, йўрга ушаники бўлади” [3,66].** Демак, тамға босиш ақлли ҳайвондан эркини тортиб олиш деганидир. Шу тарихи ёввойи йўрга инсонга қарам бўлади. Том тамғани босгач, отни уйига олиб кетаётганида боғлаб қўйган айғирини ечиб юборди. Шу пайт айғир қочишга ҳаракат қилади. **“Ёввойи йўрга қолган бор кучини йигиб, озодлик йўлида жон-жаҳди билан ёнбағир бўйлаб юқорига талпинди. Ёввойи йўрга тик қояга кўтарилди. Қоядан настига – ҳавога сакради, икки юз футча учиб юрди, яна, яна настилаб... тошга бориб тушди. У жонсиз сулайиб қолди, аммо... озод бўлиб қолди!” [3,67].** Кўринадики, айғир билан чол узоқ ва шафқатсизларча олишади. Ёввойи йўрга учун инсонга мутеъ бўлиб яшагандан кўра ўлим афзал эди. У сўнгги нафасигача озодлик учун курашади ва маънан голибликка эришди. Ёзувчи ёввойи йўргани инсонлаштиради. Мазкур образ эрк ва озодлик тимсоли сифатида жаҳаон адабиётида яратилган от образларининг бирортасини ҳам такрорламайди.

Юқорида таҳлил этганимиз ўзбек ва инглиз адабиётигадики асарлар шуни кўрсатадики, бу қиссаларда яратилган от образлари маънавий, руҳий, минтақавий жиҳатдан тафовутларга эгадир.

Биобари, инглиз адабиётида отлар озодлик тимсоли ифода этса, ўзбек адабиётида куч-қудрат, дўстлик рамзи бўлиб келади. Бу эса от жаҳон адабиётида халқ оғзаки ижодидаги каби инсоният ҳаётининг муҳим қисмига айланганлигини ва асосий образлар каторидан ўрин олганлигини кўрсатиб туради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Мурод Т. От кишнаган оқшом. –Т., 2017.
2. Тўлаганов Ш. Оқ тулпорим бор эди...”. uza.uz.
3. Томпсон Е.С. Ёввойи йўрга. –Тошкент, 2018.
4. Қўлдошев Ш. Фарғонанинг самовий отлари. Mingtepa.uz
5. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. –Т., 2004. –226б.